Emro Science and Education
Open-access scientific journal
Journal homepage: https://journal.emro.uz

OPEN ACCESS

CONFERENCE PAPER OPEN ACCESS

Vol. 1 No. 1 (2023) · "Axborot oqimlari va intellektual tizimlarning ijtimoiy, iqtisodiy va texnik-texnol... DOI: 10.5281/zenodo.24318588

Xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallar to'plami *Andijan 2023 yil 10-noyabr*

XIII асрда Мовароуннаҳр ва унга туташ ҳудудларда яшаган этнографик гуруҳлар ҳақида

Абдуллаев Улуғбек – Андижон машинасозлик институти, "Гуманитар фанлар" кафедраси профессори, тарих фанлари доктори.

Иномов Исмоил – АТ-17-23 гурух талабаси

Тарихдан маълумки, 1219 йили Чингизхон ўз ўғиллари бошлиқ, 200 мингга яқин қўшин билан ўша даврда Шарқдаги энг кучли давлат ҳисобланган, бироқ айни вақтда саройдаги ихтилофлар гирдобига тушиб қолган Хоразмшоҳлар давлати устига ҳарбий юриш бошлади. Кўп минг кишилик пухта тайёрланган Чингизхон қўшинлари 1221 йили Хоразмшоҳлар давлатини босиб олди.

Муғуллар босқинидан кейин Мовароуннаҳр ва унга туташ ҳудудлар қарийб ярим аср давомида ўзининг этник таркибини тиклай олмади. Аҳоли сони кескин камайиб кетди. Унинг этник таркиби деярли ўзгармади. Анча вақтгача ушбу ҳудудга янги этник гуруҳлар кўчиб келмади.

Маълумки, XIII асрнинг 60 йилларига келиб, Муғул империясини емирила бориши натижасида Чиғатой улуси ташкил топди. Бу давлат Ила дарёсининг жануби-шарқий минтақаларидан то Амударёгача бўлган ҳудудларни ўз ичига олди. Кейинчалик бу давлат (XIV асрнинг 40 йиллари) икки-шарқий ва ғарбий қисмларга бўлиниб кетди. Шарқий қисми "Муғулистон" ёки "Жете" деб атала бошланди.

XIII асрнинг иккинчи ярмидан эътиборан Мовароуннаҳр ва унга тутуш ҳудудларга бир қатор турк-Муғул қабилаларини кириб келиб жойлашиши кузатилади. Улар бу ҳудуддаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва этномаданий жараёнларда фаол иштирок эта бошладилар. Кейинчалик маҳаллий аҳоли билан этногенетик алоқаларга ҳам киришиб, қўшилиб кетдилар.

XIII асрнинг 60 йилларида Мовароуннаҳр ҳудудига дастлаб жалойир, барлос, ковчин ва орлот каби этник гуруҳларининг айрим қисмлари келиб ўрнашганлар. Ушбу этнонимли этнослар ҳақида қисқача тўхталамиз.

*Жалойир*нинг этник мансублиги юзасидан бир қатор фикрлар билдирилган. Рашид-ад-дин ўзининг "Жоме-ут-таворих" номли асарида жалойирларни монғўл деб аталувчи турк қабилалари қаторида тилга олган. Унинг ёзишича жалойирларнинг илк аждодлари Муғулистоннинг Онон дарёси ҳавзаларида яшаганлар. Улар ўнта қабилага бўлинганлар. Ҳар бир қабила ўз саркардаси (қабила бошлиғи) томонидан бошқарилган жалойирлар мана шу ўнта қабилаларни бирлаштирган йирик этник уюшма бўлган.

XIII асрнинг биринчи чорагида уларнинг катта бир қисми Или дарёси бўйларига келиб яшайдилар ва шу асрнинг 60 йилларида эса жалойирларнинг

Published: 10.11.2023

Cite this article: Абдуллаев Улуғбек, Иномов Исмоил (2023). XIII асрда Мовароуннаҳр ва унга туташ ҳудудларда яшаган этнографик гуруҳлар ҳақида. Emro Science and Education, 1(1). https://doi.org/10.5281/zenodo.24318588

© 2023 The Author(s). Published by Emro Science and Education. This is an open access article.

айрим гуруҳлари Ангрен воҳасига ҳамда Хўжанд атрофларига келиб ўрнашадилар.

Ушбу этносни қайси тилда сўзлашганлиги юзасидан ҳам олимлар хар хил фикр-мулоҳазалар билдирганлар. Масалан, В.В.Бартольд ва Н.П. Петрушевский сингари шарқшунос олимлар жалойирларни Муғул тилли халқ бўлган, деб таъкидлайдилар[7]. Тилшунос олим С.А. Аманжолов эса жалойирларнинг асосий негизи турклар бўлган, деб ҳисоблайди[8]. Ушбу фикрни элшунос олим К.Шониёзов ҳам қўллаб-қувватлайди. “Кейинчалик-деб ёзади К.Шониёзов-жалойирларнинг аждодлари мўнғул тилли халқлар таъсирига тушиши натижасида, мўнғўл деб аталган бўлишлари мумкин”[9].

Жалойирлар Ангрен воҳасига келиб ўрнашганларида туркийда сўзлашганлар. Улар Амир Темурнинг қўшинлари таркибида бир қатор харбий юришларда қатнашган. Лекин, жалойирларнинг бошлиғи Бахромнинг ўғли Одилшохнинг ҳиёнатидан кейин Амир Темур уларнинг Охангарон ва Хўжанд улусини тарқатиб юборади. Шундан кейин жалойирларнинг бир қисми Даштиқипчоққа қочиб ўтадилар. Мовороуннаҳрда қолган гуруҳлари эса Амир Темур ва темурзодаларга садоқат билан хизмат қиладилар. Бу даврда жалойирлар кўчманчи ва яримкўчманчи ҳолда яшар, ҳўжалигининг асосий йўналиши чорвачилик эди. Кейинги асрларда ҳам улар минтақадаги этник жараёнларда фаол иштирок қилганлар.

*Барлослар*нинг ҳам илк ватани Онон ва Керулен дарёси ҳавзаларида эди. Ўтмишда энг йирик қабилалардан бири бўлган барлосларнинг келиб чиқиши (этногенези) ҳақидаги маълумотлар кўп адабиётларда мавжуд. Бироқ, барлосларнинг этногенези юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазалар бахслидир.

Тарихчиларнинг фикрича, барлос сўзи Муғулча “семиз”, “кучли” деган маъноларини билдириб, туркий халқлар Муғуллардан ўзлаштирган ушбу сўз “лашкарбоши”, “йўлбошчи” ва “ботир жангчи” маъноларини ҳам англатган. Чингизхон даврида барлослар йирик харбий кучга эга бўлиб, унинг ишончли харбий таянчи бўлган. Барлослардан бўлган Кубалай наён, Қорачур наён кабилар Чингизхоннинг нуфузли амирларидан эди.

Шарқшунос олим В.В.Бартольд барлосларни ҳам Муғул тилли халқлардан бири, деб ёзади. Шу фикрга асосланиб бошқа бир гурух тадқиқотчилар ҳам барлосларни асоссиз равишда Муғуллар деб ҳисоблаб келдилар. Аслида улар туркий халқлардан бўлиб, узоқ давр мобайнида Муғуллар қабила иттифоқи таркибидан яшаб, уларнинг тили ва урф-одатларини ўзлаштирганлар.

[7] Бартольд В.В. Двенадцать лекций по истории турецких народов Средней Азии, Соч. Т.V.с.172; Петрушевский И.П.Рашид ад-диннинг асарига кириш сўзи. (Рашид ад-дин. Сборник Летописей. М-Л.1952.Т.2.Ч.1М-Л. 1952. С. 29)

[8] Аманхўжаев С.А. Вопросы диалектологии и истории казахского языка. Алма-ата. 1959 С. 43-45.

[9] Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни...385 бет,